



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта**

**махсус таълим вазирлиги**

**Термиз давлат университети**

**Тарих факультети**

**“Жаҳон тарихи ва манбашунослик” кафедраси**

**СУЮНОВА ШАХЛО ХОЛДОРОВНАНИНГ**

**5120300- тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим  
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“1941 йилги Совет-Герман мулоқатлари тарихидан”  
мавзусидаги**

# **Битирув малакавий иши**

**Илмий раҳбар:**

**т.ф.н.к.ўқ.Б.Рахимов**

***Термиз- 2012***

# **1941 йили Совет –Герман мулоқотлари тарихидан**

## **Янги ҳужжатлар асосида**

### **Кириш**

### **Адабиётлар таҳлили**

### **Асосий қисм:**

#### **I –боб В.М.Молотовнинг 1940 йил ноябрда Берлинга ташрифи.**

- 1.1. В.М.Молотовнинг 12 ноябрда Риббентроп ва Гитлер билан олиб борган мулоқотлари
- 1.2. В.М.Молотовнинг 13-ноябрдаги Германия элчиси Шуленберг билан суҳбатлари.

#### **II –боб Берлин сафарининг натижалари.**

- 2.1. В.М.Молотовнинг Гитлер ва Рибентроп билан 13 ноябрда олиб борган суҳбатлари.
- 2.2. В.М.Молотовнинг Рейксмаршал Геринг ва Гитлернинг ўринбосари Гесс билан суҳбатлари.

### **Хулоса**

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги:** СССР ташқи ишлар халқ комиссиялари, халқ комиссар Советининг раиси В.М.Молотовнинг 1940 йил 12-14 ноябрдаги Германияга ташрифи сенсацияга айланиб, бутундунёга тарқаб кетган.

Молотовнинг миссияси ҳозирги жамоатчиликнинг эътиборини жалб қилиб, уни ҳар-хил изоҳлашаётган ва баҳолашаётган изланувчиларнинг юқори қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Бу қизиқиш тасодиф эмас, чунки қуйида Чоп этилаётган Молотовнинг фюрер Гитлер билан музокаралари ССРдаги Германия элчиси Шуленберг билан рейхсмаршал Геринг билан Гитлернинг ўринбосари Гесс билан суҳбатлари ҳақидаги совет материаллари уруш олдидан икки давлатнинг ўзаро муносабатларини тушуниш учун муҳимдир.

Молотовнинг Берлинга ташрифи 1940 йил 13 октябрда Талинга махсус хат билан мурожаат қилган риббентропнинг таклифига биноан юз берди. Унинг асосий моҳияти шундан иборат эдики, Гитлер Сталинга 1940 йил сентябрда имзоланган уч томонлама пактга қўшилиш ва унинг иштирокчилари бўлган – Германия, Италия ва Япония билан ҳар бир мамлакатнинг глобал масштабдаги «қизиқишлари доирасини» аниқлашни таклиф қилганди.

Риббентропнинг кати 17 октябрда Кремлда олинган эди. 21 октябр кечқурун Молотов Шуленбергга топширган Сталиннинг жавобида «Бизнинг мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларимизнинг кейинги яхшиланиши фақат узоқ муддатли ўзаро манфаатларимизни аниқлаб олишимизнинг мустаҳкам негизидагина бўлиши мумкин» дейилган эди.

Октябрнинг охирида дипломатик каналлар бўйича совет ҳукуматининг бошлиғи Берлинга 12 ноябрда ташриф қилиш ва у ерда икки кун бўлиши келишиб олинганди. Совет делегациясига Молотовдан ташқари Яна

қўйидагилар киритилганди, ташқи ишлар халқ комиссияларининг ўринбосари В.Г.Деканозов, қора металлургия бўйича халқ комиссарининг ўринбосари А.Д.Крутилов, таржимон сифатида ташқи ишлар халқ комиссарининг ёрдамчиси В.М.Бережнев, Берлиндаги совет сиёсий ваколатхонасининг биринчи секретари В.Н.Павловлар қўшилишди.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:** Молотовнинг «учинчи рейх» пойтахтига ташрифи Германия алангалатган иккинчи жаҳон урушининг фожеали муҳитида бўлиб ўтди. «Учинчи рейх» Европанинг ката қисмига ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 1940 йил вермакт Польша, Франция, Белгия, Голландия, Люксембург, Дания ва Норвегиени босиб олган эди. Германия Британия ороллариغا экспедицион корпусни жўнатиш хавфини солаётган эди. Германия қўшинлари, шунингдек Финляндия ва Руминияда ҳам бор эди. Шунини таъкидлаш керакки, 1940 йил 14 октябрдаги Сталин ва Молотов РККА Гентаби ишлаб чиққан «1940-1941 йиллардаги Совет Иттифоқи Қуролли қўшинларининг Ғарбда ва Шарқдаги стратегик ҳаракатларининг асослари ҳақида мулоҳазалари тезкор режасини тасдиқлашди. Унинг биринчи бўлимида СССР рақиблари ҳақида қўйидаги хулосалар қилинган эди.

«Шундай қилиб, Совет Иттифоқ 2-фронтида курашга тайёр бўлиши керак Ғарбда Италия, Венрия, Руминия, Финляндия қўллаб-қувватлайдиган Германияга қарши ва шарқда очиқ рақиб ёки рақиб бўлган қуролли нейтралитет прозициясини эгаллаган, ҳамма вақт очиқ тўқнашувга ўтиши мумкин бўлган Японияга қарши ҳарбий ҳаракатлар бўладиган асосий театр Ғарбий Европа, асосий рақиб эса Германия кўзда тутилганди Табиийки, совет Раҳбарияти Германия ҳукуматининг ниятлари ва режалари ҳақидаги хабарларга қизиққанди. Бундан ташқари вермактнинг қўмондонлиги ишлаб чиқаётган кейинги ҳарбий компаниялар режаси ҳақида Берлинда Москвага ташвишли ва бир-бирига зид хабарлар кела бошланганди. 1940 йил 12 ноябрдаги Молотов Билан суҳбат чоғида Гитлер ишонарли қилиб, яқин

вақтда Англиянинг тақдири ҳам ҳал бўлишини айтди Буюк Британиянинг маъмуриятидан сўнг Берлин ва Москва унинг колониал меросини бўлиб олишга киришишлари мумкин эди.

Гитлернинг таъкидлашича, икки давлатнинг ҳамкорлиги ҳужум қилмаслик пакти тузилгандан кейин ҳам муҳим ва фойдали бўларди. Молотов Гитлернинг сўзларини тасдиқлаб, икки мамлакат учун фойдали бўлган 1939 йилги келишувлар натижасида Германия Франциянинг мағлубияти каби Ғарбдаги ҳарбий ҳаракатлар учун ката аҳамиятга эга бўлган фронт чизиғига эга бўлганини ва Литва Шарқий Польша ҳақидаги масалаларининг ечими тўғри бўлганини айтди.

Кейин Совет ҳукумати бошлиғи уч давлат ўртасидаги пакт масаласига ўтди ва ш у муносабатда Қора денгиз регионидаги мамлакатлар, шунингдек Европа ва Осиёдаги «Янги тартиб ва Шарқий Осиё кенгликларининг чегаралари ҳақидаги масалани ўртага қўйди.

Рейхсканцлер уч давлат ўртасидаги пакт икки давлатнинг, уларнинг тарихий манфаатлари доирасидаги Европадаги раҳбарлик ролини кўзда тутди деб ва жавоб берди ва совет иттифоқига ўзи қизиққан областларни кўрсатишни таклиф қилди. Худи шундай Буюк Шарқий Осиё кенглигига нисбатан ҳам Совет иттифоқига бу пактда тўртинчи ҳамкор бўлиб иштирок этишни таклиф қилди. Суҳбатнинг охирида СССР халқ комиссарлари советининг раиси кўп маънолик билдириш берди. «Совет Иттифоқи тўрт давлат ўртасидаги тенг келишувда иштирок этиши мумкин, лекин объект сифатида эмас, ваҳоланки уч давлат ўртасидаги пактда СССР фақат шундай объект сифатида эса олинади, фақат ҳамкор сифатида ва Германия, Италия ва Япония Билан ҳамкорликда айрим операцияларда иштирок этишга тайёр, лекин бунинг учун айрим масалаларига аниқлик киритиш керак» худди шу тезисда немис таржимони П.Шмидт қуйидагича ёзди: «Россиянинг уч давлат ўртасидаги пактдаги иштироки унга (молотовга) Россия объектэмас, балки

ҳамкор сифатида иштирок этиш шартидоғина тўлиқ маъқул бўлади. Бундай ҳолатда Совет иттифоқининг умумий ҳаракатларда иштирок этишида у ҳеч қандай қийинчиликларини кўрмайди. Лекин аввал пактнинг мақсад ва аҳамиятлари яхшироқ аниқланиши лозим, айниқса буюк Шарқий Осиё кенглигини ойдинлаштиришда»<sup>1</sup>.

Кейинги кунда бўлиб ўтган иккинчи учрашувда Гитлер ва Молотовнинг эътибор марказида Шарқий Европа мамлакатлари муаммоси бўлди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи икки давлат муносабатларидаги бири-бирига зид фикрлар ва тушунмовчиликларни бартараф қилиш, энг аввал, Германия кўшинларини Финляндия ва Руминиядаги чиқариш ҳақидаги масалаларни кўйди.

Рейхсканцлер қатъий қарши чиқди. У Германия уруш олиб бораётган ва унга хом Аше кераклигини айтди.

Финляндия ёғоч ва некел, Руминия эса нефтни етказиб берувчи ҳисобланади. Шунинг учун рейхс бу мамлакатларда манфаатдор Молотовнинг Финляндияга нисбатан мавжуд келишмовчиликларини бажариш ҳақидаги бир неча марта ва қатъий талаблари рад этилади.

Руминияга нисбатан ҳам худди шундай бўлганди, яъни Германия ва Италия Москвада хабардор қилмай аралашмаслик кафолатини беришганди Молотов Совет ҳукуматининг кафолатини Болгарияга тақдим қилишини таклиф қилганда Гитлер Италия ва Болгариянинг розилигисиз бунинг иложи йўқлигини айтди.

1940 йил 12 ва 13-ноябрда Риббентропнинг Молотов билан суҳбатлари Гитлер билан муҳокама қилинган муаммоларга таалукли бўлди.

**Мавзунинг янгилиги ва эришилган натижалари:**Ташқи ишлар бўйича рейхминистри совет ҳукумати Раҳбарига Германиянинг Англия

---

<sup>1</sup> Филипов И.Д. Записи О М. 1970 –с140.

Билан уруши муваффақиятли тугаётганини, Англияга Америка томонидан ёрдам муваффақиятсизликка маҳкум эканини ва Британия колониал меросини бўлиштириш вақти яқинлашаётганини қатъий уқтиришга ҳаракат қилди. Россия уч давлат ўртасидаги пактга қўшилган вазиятда бундан фойдаланиш мумкин. Унга форс кўрфази ва Араб денгизи йўналишида жанубда силжишга имконият беради. Молотовнинг уч давлат ўртасидаги пакт ҳақидаги саволга Риббентор жавобан унда СССРда тўғри ёки яширинча йўналтирилган ҳеч нарса бўлмаслигини айтди ва буюк Шарқий Осиё кенглиги тушунчаси ўзига ҳам ҳали унчалик тушунарли эмаслигини тан олди.

1940 йил 13 ноябрда Риббентор Молотовга тўрт давлат пакти ҳақидаги таклифни топширди. Пактнинг текстини Чоп этиш мумкин. Лекин уни икки махфий протоколлар билан тўлдириш таклиф этиларди.

Биринчисида айтилишича, Германиянинг қизиқишлари Европа ва Марказий Африкага ёйилиши Италияники, Европага ва Шимолий Шарқий Африкага, Япониянинг Япония империясидан жанубдаги Шарқий Осиё районларига Совет иттифоқининг ҳинд океани йўналишида ёйилиши айтилганди. Тўрт давлат бир-бирининг ҳудудий манфаатларини ҳурмат қилиш мажбуриятини олишарди. Иккинчисида Германия, Италия ва Совет иттифоқи Туркияни унинг халқаро мажбуриятларидан озод этиб, уни сиёсий ҳамкорликда жалб этиш ва Монтерда имзоланган ўрта ер денгизи қўлтиғи ҳақидаги конвенсияни ўзгартириб, СССРга ҳар қандай вақт ўтиши учун чекланмаган ҳуқуқини бериш айтилганди. Музокараларни давом эттириш учун Риббенторнинг Москвага ташрифи кўзда тутилган эди. Италия ва Япония вакиллари иштирокида конвенция ўтказиш ҳам мустасно қилинмаганди.

Риббентор ғоясининг мазмуни Совет иттифоқини уч давлат ўртасидаги пактга қўшишга эришишунини Герман, Италиян, Япон

каолициясига киритиш ва Буюк Британияга қарши урушга тортишга бориб тақаларди. Бир вақтнинг ўзида Берлин дипломатияси Совет иттифоқини Шарқий Европадан ажратишини, уни Британия манфаатларининг тўқнашувини назарда тутиб, СССРнинг ҳарбий сиёсий активлигини Шарқий Осиё ва ўрта Шарққа айлантиришни кўзда тутаётган эди. Совет ҳукуматига бу мақсад маълум эди. Лекин у Европадаги давлатларни қўлдан беришни хохламасди. Молотов Финляндия, Руминия, Туркия, Болгария, Югославия, Греция, Польша ҳақидаги олдин эшитилган келишувларнинг бажарилиши ҳақидаги масалаларни муҳокама қилишга уринарди. Музокаралар ўзгарувчан тартибда бормоқда эди. Улар икки давлатнинг яширин сиёсий ва дипломатик рақобатбардошликларини очиб ташлади. Гитлернинг немис қўшинларини Финляндиядан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги таклифини рад этиш. Берлиннинг кўзда тутган режаларини бажаришда қаттиқ туришдан далолат беради. ҳақиқатдан муҳокама қилинаётган масалаларнинг бирортаси ҳал қилинмади.

Музокаралар ваҳимий воқеъликни ва Германиянинг ҳақиқий ниятларини очиб ташлашди. Шу билан бирга Совет иттифоқи буюк синовларига ва унинг чегараларига яқинлашиб келаётган ката урушга тайёр эмас эди.

Афсуски, қизил Армиянинг Олий ҳарбий Қўмондонлиги ўша вақтда вермакт сабабли ҳарбий тезкор суръатда бўлиб ўтган принципиал ўзгаришларни тўлиқ тушуниб етмаган ва баҳолай олмаган эди. 1940 йил 23-30 декбргача бўлиб ўтган РККАнинг олий Раҳбарияти мажлисида СССР мудофаа халқ комиссари С.К.Тимошенконинг билдириши бунинг исботи бўла олади.

«Европадаги уруш тажрибаси стратегик ижод маъносида ҳеч қандай Янги нарса бермаяпти»<sup>1</sup>.

Кейинчалик Молотов қизиқ бир фикрни эътироф этди.

---

<sup>1</sup> Кегель Г.В. В.Бурлх нашего века М. 1987; Розанов Г.Л. Сталин-Гитлер.-С68



«Биз уруш томон ортида эмас, остонасида эканини, бизнинг Германиядан заиф лигимизни ва бизга чекинишга тўғри келишини билардик. ҳамма гап шундаки, қаергача чекинишга тўғри келади. Смоленскгачами? Ёки Москвагачами? Буни биз урушдан олдин муҳокама қилган Эдик». Лекин Молотовнинг бу гапларини ҳужжатлар исботи тарихчилар томонидан ҳозиргача топилмаган»<sup>3</sup>.

Сталин ҳақиқатдан ҳам Германияда яқинлашиб келаётган урушидан қўрқарди. У ҳар қандай воситалар билан унинг бошланишини чўзишга ҳаракат қиларди. 1940-1941 йилларда СССРнинг Германияга нефть, буғдой ва хом Аше етказиб беришда ҳам маълум маънода шу мақсад кўзланган эди. Лекин бу билан Сталин душманини потенциални мустаҳкамлаб, унинг Шарқда юришини тайёргарлигига ёрдам берарди.

**Ишнинг амалий аҳамияти:** Совет иттифоқини узоқни кўролмайдиган ташқи сиёсати ва дипломатияси натижасида ва у ташқи сиёсатдан изоляцияланиб қолди. У Буюк Британия ва АҚШ каби иттифокдошлардан ажралиб қолди. Бу йирик стратегик хато эди. Молотов Берлиндан Гитлернинг Америка ва Англияни изоляциялаш таклифига розилик берди. Молотовнинг бу позицияси, унинг айтишича:

«Нафақат ўзининг балки Совет ҳукуматининг ва шахсан И.В.Сталиннинг нуқтаи назарини акс этар эди».

Шу билан бирга 1940 йил июннинг охирида Франция таслим бўлгандан сўнг Черчилль Сталинга ёзган расмий хатида «Германия бизнинг душманимиз бўлган дақиқадан бошлаб у сизнинг дўстингиз бўлиб қолди», - деб ёзган эди 1940 йил 1 июлдан Британия элчиси С.Крикпснинг Сталин билан суҳбати натижаси бўлди. Шу суҳбатдан кейин Молотов ҳаттоки Москвани вақтинчалик тарк этиш фикрини Британия элчиси қабул қилиб қолди. Америка элчиси Л.Штейнгард ҳам ҳуди шу аҳволда эди. Берлиндагиларнинг кўнгли тўқ эди. Гитлер Совет иттифоқининг Англия ва

АҚШ Билан ҳар қандай яқинлашувдан жуда ҳам кўрқар эди. Уни учун энг муҳими СССРни Буюк Британияга қарши урушга тортиш эди.

Молотовнинг Германиядан қайтганидан ўн кун ўтгандан сўнг Совет ҳукумати тўрт давлат пакти масаласи бўйича ўз позициясининг баён қилди. 25 ноябрь Кремлда Молотов Шуленбергга қуйидаги шартлар асосида СССРнинг сиёсий ҳамкорлик ва иқтисодий ўзаро ёрдам ҳақидаги тўрт давлат пакти лойиҳасини қабул қилишга тайёргарлигини айтди.

Немис қўшинлари Финляндиядан олиб чиқиб кетилади, Совет иттифоқи ва Болгария ўртасидаги ўзаро ёрдам ҳақида пакт тузилади, СССРнинг Батуми ва Бакудан жанубга форс кўрфази йўналишидаги ҳудудий интилишини тан олиш Бастбор ва Дарданель районларида СССРга денгиз ва қуруқлик базаларни бериш, Япония шимолий Сакалиндаги кўмир ва нефть конвенциялардан воз кечишди, бу таклифларнинг ҳаммаси тўртлик пактига қўшишга бешта махфий протокол кўринишида расмийлаштириш кўзда тутилган эди.

Совет ҳукумати олдинга сураётган шартлар Германиянинг Ғарбий Европадаги қўлларини ечар эди. Улар Гитлер Болқонда ва Шимолий Европада тўсиқлар яратишса ҳам унга эркин ҳаракат қилиш ва муросани кидириш имкониятини берарди.

Москвада интиқлик билан жавоб кутишарди. Вақт ўтиб борар, Гитлер ҳукумати эса жим эди. Германиядан жавоб келмади. Гитлер ва унинг дипломатияси ҳаракатларининг ва Молотов миссиясига қизиқишнинг бунчалик тез йўқолишига сабаби нима?

Албатта улар жуда кўп эди. Лекин бизнинг назаримизда энг асосий сабаб, Рейксканцларнинг Совет иттифоқига қарши уруш бошлаш қарори эди. 1940 йил 31 июлда Гитлер Олий Генералитетга кўзда тутилаётган ҳарбий компания ҳақида расман хабар қилди. Шу кун қуруқлик қўшинлари бош

қўмондонлиги генштаби бошлиғи генерал Ф.Болдер кундалигига қўйидагиларни ёзди:

«Бошланиш (ҳарбий компаниянинг) 1941 йил май бутун операциянинг давом этиши 5-май Генштаб СССРга қарши уруш олиб боришни стратегик режасини тезда ишлаб чиқишга киришди. Режалашган ишнинг асосига Совет қурулнинг кучларини Яшин тезлигида яқсон қилиш талаби қўйилган эди.

1940 йил 18 августда армиянинг штаб бошлиғи Генерал Э.Маркс ва Москвадаги Герман ҳарбий генерал Э.Кестринг операциясининг умумий мулоҳазаларини топширишди. 5 августда Гольдерга Москва ва Киев йўналишида зарба беришни кўзда тутилган «Фриц» тезкор стратегик режаси тақдим этилди. 17 сентябрда қуруқлик қўшинлари генштаби бошли-ининг биринчи ўринбосари генерал Ф.Паулюс қўшинларининг стратегик йўналтириш ва ҳаракат қилишнинг асосини ишлаб чиқди. СССРга қарши агрессия режалари қуруқлик қўшинлари тезкор Раҳбариятида генерал А.Йодил бошчилигида қайта ишланарди. Ноябрь декабрь ойларида генерал штаб Т-28 директива лойиҳасига асосан штаб машқларини ўтказди. Гитлер шундай деди: « Россия Европадаги бош муаммодир. У билан ҳисоб-китоб қилиш керак».

5 декабрда Гальберг унга режалаштирилаётган ҳарбий компаниясининг асосини баён қилди.

«Операциянинг мақсади Россиянинг тирик кучини йўқ қилиш. Бунинг учун 130-140 та дивизия керак 1940 йил 18 декабрда Гитлер Германияси қурулли кучлари бош қўмондонлигининг № 21 директивасини имзолади ва унга «Барбаросса» кад номини берди».

1940 йил 12 ноябрда Молотовнинг Берлинга келган кунда Гитлер ОКВ № 18 директивасини имзолади, унда шундай дейилганди:

«Россиянинг яқин вақтлардаги позициясини аниқлаш мақсадидаги сиёсий музокаралар бошланди. Бу музокаралар қандай натижа беришидан

қатъий назар, жанубга нисбатан ҳамма нарсани тайёрлашда давом этилсин. Бу ҳақда олдин оғзаки буйруқ берилган. Бу ҳолат содир бўлаётган воқеалардан ажратиб, тушиниш ва баҳолашнинг иложи бўлмаган совет Герман музокараларининг йўналишини ва таркибини аниқлашга ёрдам беради». 20 ноябрда Венгрия уч давлат ўртасидаги пактда қўшилди. Уч кундан кейин Руминия ҳам қўшилди. Словакия ҳам ўшаларнинг орқасидан эргашди. Совет ҳукумати Болгарияга ўзаро ёрдам ҳақидаги пактга таклиф қилганда София уни рад этиб, тезда уч давлат ўртасидаги пактга қўшилди. Бу муҳим асосий ва ҳарбий воқеалар нуқтаи-назаридан, Молотовнинг миссияси қандай кўриб чиқишимиз, изоҳлашимиз ва баҳолашимиз келиб чиқади. Германия ташқи ишлар министрлигининг 1939-1941 йиллардаги совет-герман муносабатлари ҳақидаги, шунингдек, Молотовнинг Берлинга ташрифига оид ҳужжатлари дастлаб АҚШда немис ва инглиз тилларида Чоп этилди. Бу мавзуга оид бир қатор ҳужжатлар ГФРда чоп этилган. 1939-1941 йиллардаги совет-герман муносабатлари тарихи бўйича немис материаллари тўпламлари рус тилига ўтирилган ва Чоп этилган.

**Мавзунинг предмети ва объекти:**Россия Федерацияси Президенти архивида (РФПА) сақланаётган Молотовнинг Берлинга ташрифи ҳақидаги совет ҳужжатлари ҳозирги вақтгача изланувчиларга берилмайди. Улар журналларда биринчи бор босилмоқда. Энди ўқувчилар икки томон ёзмаларни таққослаб, текстларнинг алоҳида жойлардаги номуносибликларни ҳужжатларнинг турли ноаниқларини ажратиш имкониятига эга бўлишади. Асл нусха ортографияси сақлаб қолинган. Бунинг ҳаммаси шубҳасиз ҳақиқатни ўрнатиш учун муҳимдир. Шунингдек, 1940 йил 12-14 ноябрда Берлинда бўлган суҳбатларни Битирув Малакавий иши сифатида танлаб, унинг мазмуни ва моҳиятини китобларга етказиш ҳам шарафлидир.

**БМИнинг тузилиши:**Кириш, адабиётлар таҳлили, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

## II. Адабиётлар таҳлили

БМ ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, тарихий манбалар Энг янги тарихнинг долзарб масалаларига бағишлаб ёзилган кўплаб монография, дарслик, ўқув қўлланма ва тадқиқот ишлари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Президент И.А.Каримовнинг 1997 йилда чоп этилган “Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, 2011 йилда нашр қилинган “Ўзбекистон мустақиликка эришиш оstonасида” китоблари, 13 томлиқ “Бутун жаҳон тарихи (м: 1965, 1977, 1979, 1983 й)” нинг 10, 11, 12, 13-томлари, 12 томлиқ “Иккинчи жаҳон уруши тарихи” (М: 1974-1980) и, Питер Кальвокорёссининг 2 томлиқ “1945 йилдан кейин дунё сиёсати (М: 2000)” китоби, Ҳ.Кичклов, М.Файзуллаеваларнинг “Энг янги тарих (1945-2010)” ўқув қўлланмаси (2011 й), З.Р.Нуриддинов, Ҳ.Кичкиловларнинг “Энг янги тарих (1989-2008)” ўқув қўлланмаси (2010 й) айрим олинган мамлакатларнинг тарихига бағишлаб ёзилган монографиялар<sup>1</sup> ва Новая и новейшая история”, “Вопросы истории”, “Международная жизнь”, “Евразия”, “Азия и Африка сегодня”, “Жамият ва бошқарув” журналиридан, “Новое время”, “Правда”, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “XXI аср”, “Жамият”, “Ҳамкор” ва бошқа газеталардан фойдаланилди. Айниқса, Э.З.Нуриддинов ва Ҳ.Кичкиловларнинг “Энг янги тарих (1989-2008)” ва Ҳ.Кичкилов ва М.Файзуллаеваларнинг “Энг янги тарих (1945-2010)” ўқув қўлланмаларида мавзуга оид материаллар атрофлича берилганлигини ва БМ ишини ёзишда қимматли манба бўлди.

---

<sup>1</sup> История Франции в 3-х томах, М. 1972-1973 гг.; История ФРГ в 3-х томах, М. 1972-1973 гг.; История Италии в 3-х томах, М. 1970-1971 гг.; Кривогуз И.М. Истоки кризиса СССР. М. 1998; Автарханов А. Империя Кремля. Вильнюс, 1990; История Англии в 3-х томах, М. 1972-1973 гг.; Геллер М. Россия на распутье (1990-1995) М, 1996; Чешко Распад Советского Союза. –М. 2000; История США в 4-х томах. М. 1980-1987 гг.; Новейшая история стран Европы и Америки XX век. Часть 2,3, М. 2001.

## **I-боб В.М.Молотовнинг 1940 йил ноябрда Берлинга ташрифи.**

### **1.1 В.М.Молотовнинг 12 ноябрда Риббентроп ва Гитлер билан олиб борган мулоқотлари.**

1940 йил 12 ноябрдаги халқ комиссарлари кенгашнинг раиси ва ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари В.М.Молотовнинг Германия ташқи ишлар министри Риббентроп ва Гитлер билан Берлинда бўлиб ўтган суҳбатларидан кўчирма.

Риббентроп ўтган йили Москвада икки марта бўлганидан сўнг кўп воқеалар бўлиб ўтганини айтди. Ўшанда назарда тутилган суҳбатларни давом эттиришни ва Сталинга ёзган хатидагиларга қўшимча қилиш истагини билдирди, яъни Европадаги нарсаларининг умумий жойлашувига ва совет-герман муносабатларига Герман ҳукуматининг фикрлари ҳақида. Бугун Гитлер Молотовни қабул қилади ва шунинг учун у Гитлер нималарни гапирди ҳамда олдиндан билдиришни ҳоҳламайди. Лекин асосий масалалар бўйича умумий хусусиятларни ҳозир олдиндан келишиб оламиз, фойдали бўлади.

У бугун ва эртага бизнинг суҳбатимизни чуқурлаштириш имкониятига эга бўладиган Гитлерга суҳбатимиз ҳақида ҳисобот беради. У бу ташриф СССР ва Германия ўртасидаги муносабатларга фойда келтиришга ишонч билдиради Молотов Риббентропнинг И.В.Сталинга берган хати билан танишлигини ва унинг мазмунини яхши эслашини айтди. Унда кузги учрашувдан кейинги воқеаларга умумий шарҳ берилган. Табиийки, Риббентроп ва рейхсканцлер хатдаги таклифга қўшимча равишда «менга Герман ҳукуматининг ҳозирги халқаро ҳолатга ва айниқса совет-герман муносабатларига қарашлари билан танишиш имкониятини беради ва кейин бу масалалар бўйича фикр алмашамиз». Молотов ҳам бу совет-герман муносабатларига қарашлари билан муносабатлари иши учун фойдали бўлишини айтди.

Риббентроп ҳарбий ҳолатдан бошлашини айтди. Бизнинг фикримизча дейди у, Германия урушда қилди... Унинг ўйлашича, дунёдаги ҳар бир давлат Германия ғалабалари натижасида вужудга келган. ҳолатларини ўзгартиришга қодир эмас.

Унинг таъкидлашича, ҳозир Британия империясининг мағлубиятининг бошланиш даври ҳукм сурмоқда. Англия яксон бўлди ва бунини ўзи қачон тан олиши эди, вақт масаласи, Англияда аҳвол оғир ва янада ёмонлашиб бормоқда. Халқ орасида тушкунликка тушиш белгилари билинмоқда. Англия ўзининг ма-лубиятини мумкин қадар тезроқ тан олса биз хурсанд бўлардик, чунки биз одамларнинг ҳаётини қурбон қилишини хоҳламаймиз. Агар бу нарсаси юз берса, сўзсиз баҳорда юз беради. Биз Англияга ҳаводан ҳужум қилишни давом эттирамиз. Биз охириги вақтларда олдин сув ости кемаларининг етишмаслигидан ҳаракатларини активлаштирамиз. ҳозир сув ости кемаларимизнинг миқдори кўпайди. Бизнинг фикримизча Англиянинг бир ўзи бунчадан беролмайди. Англия ягона АҚШнинг ёрдамига умид қилмоқда. АҚШ нинг ҳуқуқликдан урушга кўшилиши Германия учун аҳамиятга эга эмас. Италия ва Германия континентга бирорта ҳам англосакска киришга йўл қўймайди. Америка флотининг ёрдами шубҳасизда Англия АҚШдан самолётлар ва бошқа ҳарбий материалларни олишга умид қилаяпти. Уларнинг қанча қисми етиб келади. Риббентроп билмайди, лекин уни ўйлашича, бизнинг сув ости флотимизнинг ҳаракатлари натижасида жуда кам қисми етиб келади. АҚШнинг Англияга кейинги ёрдами жуда ҳам ишонарсиз. Шунинг учун Америка урушига кирадими ёки йўқми бизга барибир. Риббентроп асосий муносабатларда фюрернинг сўзларини олдиндан такрорлайдиган гапларини айтгиси келмади. Сиёсий аҳвол шундай Эдики, Германия Франция устидан ғалаба қилгандан кейин ката ролни қўлга киритди. ҳар ҳолда бутун уруш мобайнидаги бизнинг талафотларимиз, улар ҳақида афсусланишга тўғри келса ҳам, ҳеч қандай

аҳамиятга эга эмас. Германия Франция устидан ғалабаасидан сўнг жуда кўп дивизияга эга. ҳаво флоти мустаҳкамланмоқда, чунки биз ресурсларни бутун Европадан олиш имкониятига эгамиз. Сув ости флоти ҳам ўсиб борапти. Шундай қилиб, АҚШнинг аралашуви ва Англиянинг ҳар қандай ҳаракатлари олдиндан муваффақиятга мавзумдир. Англия ўзининг ҳамма имкониятларини амалга оширдими йўқми унинг номаълум, лекин Черчель каби сиёсий ва ҳарбий делетактлар Раҳбарлик қилаётган Англияда тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Бизга қуйидаги ҳолат маълум. Марказ ҳарбий муносабатларда ҳам, асосий муносабатларда ҳам Европанинг ката қисми устидан ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўтказмоқда. Урушда мағлубиятга учраган ва унинг харажатларини тўлаш мажбур бўлган францияга бошқа ҳеч қачон Англияни қўллаб-қувватламаслик талаби қўйилган. Аксинча ҳатто Франция ва Африкадаги Дон-Кихот Де-Ганча қарши урушга киради. Биз урушда қандай енгиш ҳақида бошқа ўйламаймиз. Биз ғалаба қилган урушни қандай қилиб тезроқ, муваффақиятли тугаллаш ҳақида ўйлаймиз. Германиянинг мумкин қадар тезроқ урушини тугатиб қолишини, бизни урушни кенгайшига қаршилиқ қиладиган ва тинчликни ҳоҳлайдиган дўстларни қидиришга чақирди. Риббентроп бир қатор давлатлар уч давлат ўртасидаги пакт ғоялари бирликларини эълон қилишганини айтди. Риббентропнинг айтишича учлик пакти ҳақидаги музокараларининг бошида ССР манфаатларига тегинмасликда келиб чиқарилган. Бу фикр таклиф этилганди. Япония ва Италия ҳам бунга ёқлаб чиқишган, бу айниқса ҳозир АҚШ урушига қўшилмоқчи бўлаётган бир пайтда Японияга муносабатларига боғлиқ. Шунинг учун учлик пактида аввал биринчи қилишмоқчи бўлган ва ундан олдин ҳам Германиянинг ташқи сиёсий концепциясидан келиб чиқиб, СССРнинг Япония билан дўстона муносабатлари СССР ва Германия орасидаги дўстона муносабатлари билан мос тушади деган нуқтаи-назарни ҳимоя қилганди. Риббентроп ўзининг



Москвада ташрифида Германия совет-япон муносабатларининг яхшиланишига ҳайрихоҳлик билдириши ҳақида Сталинга айтган гапини эслашни сўрайди. У ўшанда Сталинни шундай тушундики, гўёки Германиянинг бу муносабатларида халифлиги яхши бўларди. У буни амалга оширди ва таъкидлашича, бу иш айрим меваларини берди.

Нафақат Москвага келганида балки охириги 7-8 йил мобайнида ҳам шундай манфаатлар доирасини белгилаб олиш мумкин. Унинг фикрича, Япониянинг ҳудудий сиёсати шимолга эмас, балки жанубга йўналтирилган бўлиши керак. У шундай бўлиши учун (жанубга) мумкин бўлган ҳамма нарсани қилди. У буни бошқа сабабларга кўра, ҳам қилди, яъни эртами-кечми Англия Германия билан урушади, деган фикрдан келиб чиқиб, японларга бусиёсатни олиб боришни маслаҳат бериб, ўзи ҳам уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. У ўйларди-ки, фюрер-Япония, Италия, СССР ва Германия ўртасида манфаатлари доирасининг кенг хислатлари ҳақида фикр алмашишларининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўзининг принципи жиҳатидан мулоҳазаларини айтади. Риббентропнинг гапларига қараганда, улар бу масалани ўйлаб кўришиб, шу хулосага келишди-ки, бизнинг мамлакатларимиз эгаллаган географик ҳолат бўйича доно сиёсат юритишда экспанциясининг табиий йўналиши жанубга қараган Германия собиқ арман колониялари –Ғарбий ва Жанубий Африкага ўз даъвосига эга, яъни бу ҳам жанубда Италия Шимолий ва Шимолий –Шарқий Африкага даъвогар. Унинг фикрича, СССРнинг табиий интилиш ҳам жанубга йўналтирилган Океанга чиқишни ҳам СССР жанубда қўлга киритиши мумкин. Олдин фюрер билан тез-тез муҳокама қилган. Бу фикрларни ҳозир у Молотовга баён қилмоқчи эди. Биз йўлаймизки, дейди Риббентроп, ҳозир урушдан сўнг дунёда катта ўзгаришлар рўй берди. Сталиннинг айтишича, Англия энди жаҳонга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга эмас. Ва агар у шунга қарамай бу урушни бошлаган бўлса, унда бунинг учун жавоб беради. Биз ўйлаймиз-ки, дейди

Риббентроп, Англиянинг ерларида катта ўзгаришлар содир бўлади. Бизнинг фикримизча, ўтган йили бошлаган бизнинг янги муносабатларимиз натижасида биз Германия каби СССР ҳам яхши муваффақиятларга эришдик. СССР ғарбда ўз ревезиясини ўтказди ва унинг фикрича, Германиянинг Польша ва Франция устидан ғалабаси бунга катта ёрдам берди. Биз ўтмишда яхши ишлар қилдик ва яхши ишларни келажакда қилолмаймизми, деган савол қўяман. Унинг таъкидлашича, СССР форс кўрфази ва Араб денгизи йўналишидаги экспансия йўли билан Британия империяси ҳудудларини қайта тақсимлашдан фойда олиш мумкин. Бу билан боғлиқ иккинчи масала, дейди Риббентроп, бу Туркия масаласи.

Туркия Англия ва Франциянинг иттифокдоши эди. Франция кулади, Англия ишончсиз иттифокдан. Туркия Англияга нисбатан мажбуриятларини нейтралитет доирасидан чиқмайдиган ҳолатда олиб келди. Риббентроп шу масалалада Молотов билан СССРнинг Туркия ишларидаги қизиқишлари қандайлигини муҳокама қилинишини ҳал қилади. Урушнинг тезроқ тугаши Туркияга инглиз таъсири остидан чиқиши учун таъсир кўрсатиш мумкин бўларди. Бунинг иложи борми, йўқми у билмайди, лекин Италия, Германия, СССР ва Япониянинг асосий сиёсий концепциясини аниқлайётганда, балки Туркияга бу йўналишда таъсир қилиш имконияти топилиб қолар. У турклар билан бу масалалада гаплашган. Риббентропнинг гапига қараганда, у яқинда турк элчиси билан гаплашиб, унга агар Туркия абсолют нейтралитет йўқолишида сиёсат олиб борса, уларни қўллаб-қувватлаш ва турк ҳудудларига даъвоси йўқлигини айтган. Биз тўлиқ тушунамизки, дейди. Риббентроп, СССР –Монтре конвенцияси билан рози эмас. Биз ўшандан ҳам кўпроқ норозимиз. Монтре СССР билан унчалик ҳисоблашмади, Германиядан эса умуман учрашмайди. Менимча, Монтре конвенцияси Дунай комиссияси сингари йўқотилиш керак ва унинг ўрнига энг манфаатдор

давлатлар биринчи навбатда СССР, Туркия, Италия ва Германиялар келишса ҳам бўладиган бошқа ҳеч қандай янги нарса тузилмаслиги керак.

Германия Совет Иттифоқи ва бошқа Қора денгиз давлатларга қараганда устунроқ ҳуқуқ берилиши керак деган жуда ҳам маъқул таклиф қиляпти. Бошқа давлатларнинг СССР ва бошқа Қора денгиз давлатлари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши ўта кетган бемаъниликдир. Шунинг учун янги келишув яратиш керак. Янги келишувда СССР га алоҳида ҳуқуқ бериш керак. Мақсад шуки, СССР қўлтиқ орқали Ўрта Ер денгизига чиқиш имконини топсин.

Мен бу ҳақда итальянлар билан гаплашиб, уларнинг тўлиқ тушунишганини кўрдим. Масала шундан иборатки, СССР, Италия, Германия шундай сиёсат олиб бориши керакки, биринчидан, Туркияни унинг мажбуриятларидан Шарқда айтишганидек, “ўз-ўзини” сақлаган ҳолда, яъни обрўини сақлаган ҳолда олиб чиқиб, ва Туркия урушнинг кенгайишини ҳохламайдиган давлатлар гуруҳининг иштирокчиси бўлиб қолсин; иккинчидан, бу Туркия томонидан Монтре конвенциясини бекор қилишга ва Совет Иттифоқи, Италия, Германия манфаатларига мос тушадиган, СССР учун алоҳида ҳуқуқларга эга тартиботни яратишга олиб келсин.

Шундан сўнг Риббентроп совет-герман муносабатларини чуқурлаштириш ҳақида фикрлар айтмоқчи эканини айтди. Уч давлат яъни Германия, Италия ва Япония СССР билан келишувга келишиши ва СССРнинг урушнинг кейинчи кенгайишига қарши ҳаракатга қўшилишни акс этадиган битим формалари ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бнга яна ҳамкорлик ва ўзаро манфаатларга ҳурмат ҳақидаги бир нечта пунктларининг қўйилиши мумкин. Бу борада, дейди Риббентроп, агар у айтган фикрлар амалга оширилиши мумкин бўлганда, бу масалаларини ечиш учун у Москвага боради. Ҳамма шунга интиляптики, бир томондан Германия, Италия ва Япония ўртасидаги муносабатларга, бошқа томондан СССР билан

муносабатларига аниқлик киритиш керак. У шуни ҳам қўшимча қилдики, у айтган фикрларини фюрернинг ўзи аниқлаштириб олди. У Молтовдан фюрер билан муҳокамада ўртага қўйиладиган масалалар бўйича ўз фикрини айтишни сўради. Риббентропнинг айтишича, яқинда у Хитой элчиси билан суҳбатлашган. Бу суҳбат ҳақида ундан ҳеч ким сўрамаганди, лекин унга маълумки, японлар бу суҳбатга қарши эмас, чунки бу урушнинг кенгайишига қарши бизнинг ишларимиз бўйича, уни бартараф қилиш бўйича бораяпти. Англия ва Чан-Кай-Ши (Хитойдаги ғалаён ҳукуматининг бошлиғи) ўртасида келишиш йўллари йўқликан, деб ўйлайди. Бунда у воситачиликни таклиф қилмаганди. Германия ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатларини эътиборга олиб, бу ҳақда Хитойга хабар қилмоқчи бўлди. У шундай хабарларга эгаки, Хитой томони ҳам, Япон томони ҳам келишув йўлларини топишга бир неча бор урунишди. Бу хабарлар тўғрими –у билмайди. Лекин мурасага келиш икки халқ учун ҳам манфаатлидир. Риббентропнинг айтишича, бу фикрларини Хитой элчиси етказган.

Молотов Гитлер билан бугун суҳбатни назарда тутиб, Риббентроп айтган мулаҳазалар бўйича фикр алмашиш мақсадга мувофиқдир. Улар кўпгина давлатларни қизиқтирадиган катта масалаларга боғлиқ Молотов Риббентропнинг сўзларидан унинг уч давлат ўртасидаги пактга катта аҳамият бераётганини тушунди. Бу шундайсига ҳам тушунарли. Лекин аниқки, Молотов бу пактни тайёрлашда иштирок этмаган давлат вакили сифатида бу масала бўйича бир қатор тушунчалар олиш талабига эга. Учлик пакти Европа ва Буюк Шарқий-Осиё кенглигидаги янги тузум ҳақида гапиради, энг аввал бу таъсир доираларининг чегараларини билиш мақсадга мувофиқдир.

“Буюк Шарқий –Осиё кенглиги” тушунчасига келса –у номаълум тушунча, айниқса пактни тайёрлашда иштирок этмагани учун Молотовнинг айтишича, унда аниқлашни ҳоҳайдиган СССР ва Германия муносабатларига

таалукли бошқа саволлар ҳам бор СССР бошқа давлатлар билан иштирок этиш мумкин бўлган у ёки бу акциялар ҳақидаги таклифларга келсак, буни хатларга умумий кўринишда келишолганидек олдин шу ерда келишилганидек, кейин Москвада муҳокама қилиш керак. Бу менинг олдиндан огоҳлантриш, дейди. Молотов Риббентроп “Буюк Шарқий Осиё кенглиги” мен учун ҳам янги тушунча. Мен бу билан пакт туғилишининг қисқа даврида танишиб чикдим. Риббентропнинг фикрича, “Буюк Шарқий Осиё кенглиги” тушунчаси СССР нинг ҳаёт учун муҳим манфаатлари доираси билан ҳеч қандай умумий нарсага муҳтож эмас. Риббентропнинг гапича, уч давлат ўртасидаги пактга СССР га қарши йўналтирилган ҳеч нарса бўлмаслиги керак.

Молотов, иш Риббентропнинг хатида айтилганидек, юораётган эди, узок муддатли манфаатлар доирасининг чегараларини белгилаш айрим аниқликлар киритишини талаб қилади. Шунинг учун у Риббентропдан алоҳида мамлакатлар ўртасидаги манфаатлар доирасини белгилаш ҳақидаги пакт авторларининг, ҳеч бўлмаганда Германия ҳукуматининг фикрини аниқроқ кўринишда баён қилишини сўрайди.

СССР манфаатлари доирасига келсак, эса, табиийки, Молотов бу масалага алоҳида эътибор қаратишни хоҳларди. Совет ҳукуматининг фикрича, дейди. Молотов, 1938 йил СССР ва Германия ўртасидаги манфаатлари доирасининг ўрнатилиши маълум бир босқичга таалукли эди. Ўтган йили қабул қилинган бу белгиланишлар 1939-40 йиллардаги воқеалар натижасида тугатилган. Финландия ҳақидаги масала бундай мустасно. Бу масала тўлиқ ечилмаган ва ва Молотов Берлиндаги суҳбатларда бунга яна қайтади. Лекин Риббентроп манфаатлар доирасини узок муддатга белгилаш ҳақидаги масалани олдинга сураётган экан ва бу вақт давомида муҳим учлик пакти назарда тутилаётган экан, унда Молотов олдиндан учлик пактининг

хусусиятлари, истиқболи ва аҳамияти ҳақидаги керакли тушунчаларни министрлар олдиндан олишни ҳохларди.

Шу билан Риббентроп билан бўлган суҳбат тугади”.

В.Павлов ёзиб олди.

Ҳужжатнинг биринчи бетида йўл билан қуйидагича эслатма ёзиб қўйилган: -“Молотовнинг берилган ёзма билан танишиб чиққани ҳақида хабар йўқ”.

Халқ комиссарлари советининг раиси ва ташқи ишлар комиссиари ўринбосари В.М.Молотовнинг рейхсканцлер Гитлер билан суҳбатидан кўчирма.

Берлин. 12.XI. 1940 йил

Гитлерни бу учрашув ҳақида сўрашга мажбур этганлар, қуйидагилардан иборат эди:

-Келажакдаги ривожланган йўналишини аниқлаш жуда ҳам қийин. Келажакдаги келишмовчиликлар масаласи сиёсий ҳайётда ҳам ҳал қилувчи ҳисобланган алоҳида ҳолатларга боғлиқ.

Шунга қарамай, агар бўлиши мумкин бўлган ва инсон ақли доирасида бўлса имзо ва келишмовчиликларни бартараф қилиш учун у миллатнинг узок муддатли келажagini аниқлашга уриниб кўришни хоҳлайди. Унинг фикрича, иккита асосий миллат бошига катта обрўга эга ва бир қанча олдинни кўзлаб қарор қабул қила оладиган одамлар турганда айниқса муҳим. Бу ҳозирги вақтда Россия ва Германияга тегишли гап, яъни икки миллат ҳақида бораяпти. Агар улар дан бири бошқасига унинг яшаши учун муҳим бўлган маълум ҳаётий манфаатларини таъминлаш кераклигини тушунса бу икки миллат ўртасида зиддиятлар бўлмаслиги керак. Унинг ишончи комилки, икки мамлакатда ҳам ҳозир урушни хоҳламайдиган ва ички курашлар учун тинчлик зарур бўлган тизим ҳукм сурмоқда. Шунинг учун икки томонлама, айниқса, иқтисодий манфаатларни ҳал қилишда шундай ечим топиш

керакки, ҳозирги раҳбарларнинг ҳаёт даврида ўз кучида қолиб, келажакда тинч ҳамкорликдаги иши таъминлансин. Молотов рейхсканцлернинг бу гапларга хайрихоҳлик билдиради.

Гитлер икки халқ ва давлат ўртасидаги узоқ муддатли муносабатлар равнақи ўрнатиш қийинчилигини такрорлайдию, лекин унинг фикрича, давлатларнинг айрим умумий нуқтаи-назарларини ўрнатиш мумкин. Унда зиддиятларни бартараф қилиш муносабатларида дадиллик берадиган халқлар ва давлатларнинг йўналишини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Ҳозирги суҳбат бўлаётган вазият шундай пакт билан белгиланганки, Германия ҳозирги вақтда урушда қатнашяпти, Совет иттифоқи эса йўқ. Шунинг учун бизнинг ҳамма тадбирларимиз қандайдир даражада шу уруш таъсири остидадир. Бу урушдан кейин нафақат Германия, балки Россия ҳам катта муваффақиятларга эга бўлади.

Агар ҳозир икки давлат бу йилдаги ҳамкорликдаги ишларимиз натижаларини ақл билан текшириб чиқса, унда улар икки томон ҳам фойда олганлигига ишонч ҳосил қилишади. Балки ҳар бир мамлакат ўзи ҳоҳлаган юз фоизга эришолмагандир, лекин сиёсий ҳаётда йигирма беш фоизга ҳам қаноат қилишга тўғри келади. Балки келажакда ҳам ҳамма ниятлар амалга ошмас, лекин унинг ишончи комилки, агар бу икки халқ ҳам корликда ҳаракат қилишса, катта муваффақиятларга эришиши мумкин. Агарда улар бир-бирига қарши ишласа унда кимдир учинчи киши бундан ютиб кетади. Молотов бу билдиришни тўғри деб ҳисоблаб, бунинг ҳаммасини тарих исботлагинини таъкидлайди”<sup>1</sup>.

Гитлер ҳозир бу масала асосан аниқланган бир пайтда Германия ва Россиянинг келажакдаги муносабатларини соғлом ақл билан текшириб чиқиш керак. Ҳозир аҳвол шундайки, Англия, контлектгекда бошқа қиличга эга эмас. Уруш қуруқликда олиб борилмаяпти ва фақат қисман ҳарбий ва

---

<sup>1</sup> Кичкилов Ҳ.Энг янги тарих.2010. Т. –Б 65.

денгиз кучларини талаб қилаяпти. Молотовнинг ўзи Германиядаги вайронагарчиликлар ҳақидаги хабарлар ҳақиқатга тўғри келмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Англия билан урушда бирданига тўқсон тўққиз пунктда ғалаба қилинган ва агар атмосфера шароитлари бўлмаганда. Англия бир куни бўлган бўларди. Атмосфера шароитлари яхшиланиши билан ҳаммаси тугайди. Ҳозир унинг вазифалари уруш охирига фақат ҳарбий тайёргарлик, балки бу тугашда ва ундан кейин аҳамиятга эга бўладиган сиёсий шартлар ва ўзаро муносабатларини аниқлаш ҳамдир. Шу муносабатда Россия билан ўзаро муносабатларини аниқлаш ҳамдир, бошқатдан текшириб кўриш мақсадга мувофиқдир, бундан ташқари салбий эмас, ижобий маънода уларни узоқ муддатга яратиш керак. Бу масалада Гитлер қуйидагиларни баён қилади:

1. Ҳеч қандай ҳарбий ёрдам сўрамайди –Германия бунга муҳтож эмас.
2. Шу нарса аниқки, урушнинг бундай катта кенгайиши сабабли улар (немислар) Германияни ва сиёсий, на иқтисодий томондан қизиқтирадиган, лекин мудофаа учун зарур бўлган ҳудудларга киришга мажбур бўлишди.
3. Германияга хат учун зарур бўлган, айниқса, фақат ҳозир уруш пайти аҳамияти аниқланган маълум талаблар мавжуд. Булар ҳам ашённинг маълум турлари, уларнинг захиралари ва улар билан боғлиқ районлар.

Балки Молотовда ўзининг вақтида Сталин билан ўрнатилган манфаатлар доиралари ҳақидаги нуқтаи-назарда у ёки бу ҳолатда чекиниш мумкин деган фикрлар бўлиши мумкин. Бу чекинишлар Польшага қаратилган Герман, Рус операцияси давомида юзага келди. У “Гитлер” русманфаатларини хотиржам муҳокама қилаётганини бошқа мамлакатларнинг, масалан, Литванинг талаблари билан ҳисоблашиши маъқуллигини билдирадиган бир қатор ҳолатларини кўрди. Литва хўжалик нуқтаи–назаридан Германия учун генерал–губернаторлигига “Польшага



қараганда муҳимроқдир. Сиёсий нуқтаи-назаридан у совет томонининг СССР билан Германия ўртасидаги ҳамма областларни ривожланиши сиёсий тангликка олиб келадиган руҳий интилишлардан тозалаш ҳоҳишини тушунарди.

Жанубий Тиролга нисбатан ҳам у худди шундай қилди. Италия ва Германич ўртасидаги юзага келиши мумкин деган низони бартараф қилиш учун жанубий Тиролдан немисларни чиқариб юборди, бу вақт давомида шундай вазиятлар юзага келадик, бундай вазиятларни ўтган йилнинг август, сентябрь ойларида олдини олишнинг иложи бўлмагандир. Биринчи навбатда Германиянинг ҳам Россиянинг ҳам ривожланиши қайси йўналишда кетаётганлигини аниқлаш керак. Бунда гап Германия ҳақида кетаётган экан, у қуйидагиларни баён қилишни ҳоҳлади.

Германия ҳудудларга муҳтож эди, лекин уруш натижасида у юз йилдан ҳам ортиқ даврига ҳудуд билан таъминланди. Германия номанал қўшинларга керак ва у бизларни Марказий Африкадан олади яъни СССР билан манфаатдор юўлмаган вилоятлардан, шунингдек, маълум хом ашё керак. Бу талабларнинг қондирилиши ҳеч қандай ҳолатда рус манфаатларига ҳалокат бермайди. Шунинг учун Россиянинг келажакдаги ривожланиши Герман манфаатларига ҳеч бир зарарсиз тасаввур қилиш мумкин. Молотовнинг ўзи буларга розилигини билдириб, уларнинг фикрини тўғри деб ҳисоблайди. Гитлер агар келажакдаги районлашиш икки томонлама тан олинса, бу икки халқнинг манфаатларига мос бўлишини айтди. Бу нарсa балки кўп меҳнат ва асабнинг таранглашувини талаб қиладию, лекин келажакдаги икки халқ ҳам ривожланади, бутун дунё биладик, немис деган ном ҳеч қачон рус бўла олмайди. Рус эса немис, бизнинг вазифамиз бу тинч ривожланишини таъминлаш. Бу ҳақда гапирар эканмиз, олдиндан айтишкеракки, Германия Осиёда ҳеч қандай манфаатга эга эмас. Унга сабаб шуки, миллий муносабатлар ҳақидаги мулоҳазалар қуйидаги келажак Япония қўлида

қолади. Лекин бу ерда ҳам Гитлер совуқ фаҳм-фаросатдан четга чиққан кетмайди, балки Осиёда Европа давлатлари учун колониал мулклар имкониятларини йўққа чиқарадиган халқ кучлари туғилар. Гап Европа ҳақида бораётган экан, биз Германия ва Россияни, Италияни ўзаро муносабатларини уларнинг ҳар бирига очик денгизга чиқиш мақсадида кўриб чиқишимиз керак. Германия Шимолий денгиздан чиқиш имкониятига эга эмас ва фақат уруш натижасида унинг бир қисми олдида туради. Италия Ўрта Ер денгизида қамалиб келган. Россия эса агар узоқ бўлган шарқий портлар ҳақида гапирилмаганда, Гитлер тинч ҳолатни эмас, ҳарбий ҳолатни назарда тутаяпти. Ҳозир фақат уч давлат Англия, АҚШ ва Япония денгизга эркин чиқиш имкониятига эга. Россия фақат ички денгизларга эга. Чунки Болтиқ денгизини ҳамма вақт ички денгиз сифатида кўриб чиқиш керак. У бу катта давлатлар учун денгизга чиқиш қанчалик мумкинлиги ҳақидаги масалани ўртага қўйишини хоҳларди. Бундан ташқари бу давлатлар ўртасида низо чиқмаслиги керак. Бу ҳақда Гитлер бу уруш кейингисини туғдирмаслиги ва давлатларни ҳақиқий манфаатларига риоя қилиниши учун бошқа давлат фаоллари билан ҳам гаплашган. У буни маршалъ Пет Эн ва Ловонга ҳам айтган ва Германияни Англияга қарши урушга давом эттиришга, ҳалокат берадиган ҳеч нарсага йўл қўйиб бермаслигини таъкидлаган эди, лекин бу фақат вақтинчалик муаммодир.

Германиянинг Болтиқдаги сиёсий қизиқишлари маълум хом ашё билан таъминлашга асосланган, лекин бу ҳарбий нуқтаи-назардан ёқимсиз вазифа, чунки армия базадан минг километрдан қолдириш номаъқулдир. Лекин инглизларнинг Грецияда жойлашаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Инглизларга қарши кураш зарураияти немисларни Норканчага олиб келди ва Мисрга олиб бориши мумкин. Бу номаъқулдир, чунки у анча олдин урушни тугатишни хоҳлаганди. Польшага юришдан кейин тинчликни таклиф қилганди. Унда Франция ва Англия осон сулҳ тузишарди, чунки улардан ҳеч

нарсa талаб қилинмаганди. Лекин қон қасосни туғдиради, ундан ташқари бор куч билан уруш олиб бориб кейин буни учун жавоб бермасликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу буни французларга ҳам айтган эди ва бу ҳақда ўйлашяпти, лекин масала шундайки, айнан ким жавоб бериши керак Германия урушни тўхтатмоқчи эди. Чунки унинг янги областларини эгаллаш бўйича ишлари етарли эмас, чунки бундан ташқари иқтисодий нуқтаи-назаридан уруш фойдали эмас, чунки урушга кетаётган ҳаракатлар уруш натижасидан олинаётганлари билан қопланмаяпти. Улар сиёсий жиҳатдан қизиқтирмайдиган территорияларни эгаллашга мажбур бўлишганди. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш принципи ҳар бир миллатни ўзининг ҳаёти манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур қилади.

Кейинги вазият бу Америка муаммоси Гитлер бу ҳақда ҳозирги воқеаларга нисбатан гапирмаяпти. АҚШ соф империалистик сиёсат олиб борапти. АҚШ Англия учун курашмаяпти, балки уни меросини қўлга киритишга ҳаракат қилапти. Бу урушда АҚШ Англияга шунинг учун ёрдам бераяптики, ўзларига қурол яратиб, жаҳонда ўзлари интилаётган жойни эгаллашга ҳаракат қилишяпти. Унинг фикрича, умумий манфаатлари билан боғланган мамлакатларнинг бирдамлигини ўрнатиш яхши бўларди. Бу 1940 йилнинг эмас, 1970 йилнинг ёки 2000 йилнинг муаммоси Европадан ташқари Африка ҳам Европа давлатлари сингари кўриб чиқилиши муҳим яъни худди Америкалардек ўзига хос Макроэ докторияси яратиш керак.

Гитлернинг фикрича, энди колониал сиёсат ўзгариш керак, колониал территорияларнинг кўп квадрат километрни олишга интилмаслик керак. Ҳар бир мамлакат қанча колонияларни ўзлаштиришга кучи етса шунчасини олиш керак. Чунки ортиқча территориал сиёсий юк ҳисобланади. Шу нуқтаи – назардан Россия биринчи навбатда манфаатдор бўлган районлар мавжуд ва тасаввур қилиш мумкинки, бошқа ерларга муносабати бўйича бир хил қимматбаҳо бўлган ва ўз манфаатлари доирасини ўрнатадиган

